

## ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИ ЧУҚУРЛАШГАН БИЛИМЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Каримов Комилжон Абдурахимович

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент  
Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот  
институтини “Технология таълими назарияси ва методикаси” бўлими бошлиғи.

**Аннотация.** Ушбу мақолада профессионал таълим тизими педагог кадрлар малакасини оширишда ахборот-таълим муҳитининг имкониятлари баён этилган бўлиб, таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари, таълимни ахборотлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** профессионал таълим, педагог кадрлар, малака ошириш, таълимни ахборотлаштириш, ахборот-дидактик шакллар, ахборот-таълим муҳити, муҳитли ёндашув, сифат ва самарадорлик, мотивация, таълим муҳити.

Мавзунинг долзарблиғи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон [Фармони](#)да профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиғи, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиғи тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиғи таъкидланган [1].

Таълимни ахборотлаштиришнинг мақсади ахборот ва телекоммуникацион технологияларни қўллаш ҳисобига интеллектуал фаолиятни глобал жадаллаштиришдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш доирасида технологиялар ва ахборотлаштириш воситаларини бир тизимга бирлаштиришнинг педагогик, методик ва технологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказиш лозим. Бундай тизим сифатида ахборот-таълим муҳити таклиф қилиниши мумкин [2].



Ахборот-таълим муҳити - бу таълимий ахборотларни узатиш ва тез алмашишни таъминловчи восита ҳисобланади. Ушбу муҳит асосида таълим олувчиларни бир-бирини тушунишга, ўзгалар фикрини хурмат қилишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва биргаликда муаммоларни ҳал этишга ўргатишга имконият яратилади [4]. Натижада ягона таълим соҳасига кириб борилади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ахборот алмашуви тизим ва муҳит ўртасидаги кўплаб ўзаро алоқалар ахборот элементларини ўзаро узатиш йўли билан юз беради. Шундай қилиб муҳит – тизимга ресурсларни етказиб беради, тизимдан эса унинг пировард маҳсулотларини олади ва истеъмол қилади. Бунинг ўзига хослиги шундаки, тизим фаолиятининг маҳсулотлари қоидага кўра, муҳитда яратилиши мумкин эмас. Шунга кўра муҳит таълим тизимини шакллантиришнинг фаол бошланиши ва объектив асоси бўлиб хизмат қилади [5].

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Муҳитли ёндашув таълим, тарбия ва инсоннинг ривожланиши муаммолари бўйича кўплаб ишларда кенг тақдим этилган. Уларда муҳит шахсий ривожланишга ҳамда таълим муҳити салоҳиятининг яққол кўринишига ёрдам берувчи шароитлар ва имкониятлар нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

Ҳ.Ф.Рашидов фикрича таълимий муҳит қуйидагича шакллантирилади: “Қачонки, таълим олишга мотивацияси бўлган шахс пайдо бўлсагина, муҳит таълимий бўлади. Бунда битта муҳит бир одамга таълимий бўлса, бошқасига нейтрал бўлади, ҳар бир одам муайян таълимий макон чегараларида ўзининг таълимий муҳитини шакллантириш имкониятига эга” [6].

“Таълим муҳити” атамаси В.А.Ясвиннинг ишида етарли даражада аниқ таърифланган, у таълим муҳити -деб “шахснинг берилган намунага кўра шаклланишининг таъсирлари ва шароитлари ҳамда ижтимоий ва фазовий-предметли қуршовда таркиб топган уни, ривожланиши учун имкониятлар” ни тушунади [7].

Ахборотли-таълим муҳитининг назарий ядроси – педагогика фанининг янги йўналиши бўлиб, ахборот-таълим муҳити янгиланишга йўналтирилганлик моҳиятидан келиб чиқиб, педагогик жараёнларни тадқиқ қилади. Шунинг учун анъанавий таълим жараёнига у ёки бу шаклда янги педагогик тизимни



киритиш кўп ҳолларда самарасиздир. Шу боис янги сифат тузилмасига, тизимни ташкил этишнинг янги мезонларига эга бўлган бутунлай янги дидактик моделни яратиш лозим.

Ахборот-таълим муҳитининг кўпгина таърифлари таҳлили - таълим жараёнини ахборот, техник ва ўқув методик таъминоти ҳамда унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабат тизимидир - деб хулоса қилиш имконини беради.

Ахборот таълим тизимини шакллантириш тадқиқотимиз вазифаси доирасида ахборот-таълим муҳити тушунчаси Н.Ф.Абдуназарованинг ишида қуйидагича таърифланган: “Ахборот муҳити, ахборотни яратиш ва қўллашнинг индивидуал-шахсий томонлари билан юқори даражада боғлиқ бўлган тушунчадан иборат. Таълим жараёнининг ҳар бир субъекти ўзининг ахборот муҳитини мустақил шакллантиради. Ахборот ресурсларини яратар ва истеъмол қилар экан, таълим жараёни субъекти нафақат ўзи ривожланади, балки ахборот муҳитини ҳам ривожлантиради. Шу тарзда индивидуал ахборот муҳитларидан таълим жараёнининг ахборот тизими бўлган ахборот макони пайдо бўлади” [8]. Жуда кўпчиликни ташкил этадиган бундай таърифларда мураккаб ҳодиса бўлган ахборот-таълим муҳитининг моҳиятини тушунишда фикрларнинг анчагина турличалигини кўриш ва унда энг муҳим характерли томонларни ажратиш олиш мумкин.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Амалда татбиқ қилинган ёки назарий ёндашувлар кўринишида тавсифланган қуйидаги учта асосий турдаги ахборот-таълим муҳитини ажратиш мумкин: билимларни тақдим этишга йўналтирилган муҳитлар, билимларни олиш бўйича мустақил фаолиятга йўналтирилган муҳитлар, муҳитларнинг аралаш тури.

Ахборот-таълим муҳитини самарали ташкил этиш учун қуйидагилар эътиборга олиниши зарур: қўйилган муаммони ечиш учун табиий, физик, ижтимоий ва бошқа ҳодисалар устидан кўп, тизимли, бир марталик ёки узок муддатли кузатиш, турли минтақалардан маълумотлар тўплаш; турли жойларда юзага келадиган ҳодисалар, далиллар, воқеаларнинг аниқ тенденциясини аниқлаш учун таққослаб ўрганиш, қарорлар қабул қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш; тармоқ иштирокчиларининг маданий, этник, географик шартлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир



муаммо ёки масалани ечиш йўллари (альтернатив ёки турли усуллари) самарадорлигини таққослаб ўрганиш; ўзига хос маданий, анъанавий ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий ва маданий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш; биргаликда маълум бир муаммони ҳамкорликда тадқиқ қилиш шарти билан бирор бир (амалий, ижодий, илмий ва бошқа) ижодий ғояни ишлаб чиқиш; таълимий муммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича мусобақалар ўтказиш ва бунда юзага келадиган муаммоли вазиятларни маданий, таълимдаги анъаналар бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлишига қаратиш.

### Хулосалар

Хулоса қилиб айтганда, педагог кадрлар малакасини оширишнинг ахборот-таълим муҳити компьютерли телекоммуникация асосида ташкил этилган, умумий муаммо, мақсад, келишилган услублар ва фаолият усулларига эга, фаолиятнинг биргаликдаги натижасига эришишга йўналтирилган таълим олувчи - ҳамкорларнинг ўқув-билиш, тадқиқий, ижодий, илмий фаолияти тушунилади. Ҳар қандай муаммо ечими интеграциялашган билимни талаб этади. Ахборот-таълим муҳити чуқурлашган билимлар интеграциясини, шунингдек, тадқиқ қилинаётган муаммо юзасидан фан билимлари соҳасини, балки ҳамкорнинг хусусиятларини, унинг дунёни билиши ва тушунишини, қарашларини билишни ҳам тақозо қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон [Фармони](#).
2. Sayfullayeva, D. A., Tosheva, N. M., Nematova, L. H., Zokirova, D. N., & Inoyatov, I. S. (2021). Methodology of using innovative technologies in technical institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 7505-7522.
3. Zokirova, D. N. (2021). Goals And Objectives Of Organizing Independent Work Of Students. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 179-182.



4. Химматалиев, Д. О., & Мукимов, Б. Р. (2019). Интегрированный подход к формированию коммуникативной компетентности учителя профессионального образования. Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума, 91.
5. Зокирова, Д. Н. (2021). Integration Of Professional And Educational Disciplines Into Training Of Self-Learning Motivated Students. Современное образование (Узбекистан), (6), 24-28.
6. Nematillaevna, Z. D. (2021). Problems in providing independent learning education and ways to prevent them. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 1431-1436.
7. Химматалиев, Д. О. (2016). Интеграция научных знаний при подготовке к профессиональной деятельности будущих учителей профессионального образования. ГОСУДАРСТВО И ШКОЛА, 50.
8. Otamirzaev, O. U., & Zokirova, D. N. (2019). PROBLEMS ARISING WHEN APPLYING THE “BOOMERANG” METHOD IN THE COURSE OF TRAINING AND METHODS FOR THEIR ELIMINATION. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 1(11), 270-274.
9. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARNING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In *E Conference Zone* (pp. 101-105).
10. Химматалиев, Д. О., & Файзуллаев, Р. Х. (2017). Современные инновационные технологии в профессиональном образовании: портфолио. ЗДОРОВЬЕ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ, 140.
11. Зокирова, Д. Н. (2021). Талабаларга Мустақил Ўрганишга Ундовчи Таълим Беришда Касбий Ва Умумтаълим Фанларининг Интеграцияси. Современное образование (Узбекистан), (6 (103)), 24-28.
12. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022). Methodology of using connecting elements of science in the organization of independent work of the science of hydroelectric power stations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(3), 654-661.
13. Химматалиев, Д. О., & Зокирова, Д. Н. (2022). НАЗАРИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ФАНИНИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРКИБИ АСОСИДА



РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(3), 630-638.

14. Очилов, А. (2022). ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(4), 16-19.
15. Usubovich, O. O., & Nematillaevna, Z. D. (2022). Problems Arising From the Use of the Case-Study Method and Methods of Their Prevention. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 3(6), 5-10.
16. Отамирзаев, О. У., & Зокирова, Д. Н. (2019). «Электр ёритиш» фанини ўқитишда «Бумеранг» методидан фойдаланиш. Современное образование (Узбекистан), (3 (76)), 37-41.
17. Мухамедова, Г. Б. (2022). ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 289-293.
18. Зокирова, Д. Н. (2018). " ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА" ФАНИ МИСОЛИДА АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ ШАКЛЛАРИ. Научное знание современности, (5), 78-83.
19. Зокирова, Д. Н. (2018). " Электромеханика" фани мисолида аудиторияда ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари. Научное знание современности, (4), 22-27.
20. Отамирзаев, О. У., Зокирова, Д. Н., & Вахобова, С. К. (2016). Талабалар мустақил ишини тўғри ташкил этиш ва баҳолаш орқали таълим самарадорлигини ошириш. Міжнародний науковий журнал, (5 (1)), 74-76.
21. Химматалиев, Д. О., Исакова, Н. Ш., & Гулрух, И. (2021). Таълим Муассасаларини Бошқариш. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(6), 328-331.
22. Усубович, О. О., & Зокирова, Д. Н. Mustaqil o'rganishga undovchi ta'lim berish usullari va ularning samaradorligi. Міжнародний науковий журнал «Інтернаука, (1), 23.
23. Ne'matillaevna, Z. D. (2022). NAZARIY ELEKTROTEXNIKA FANINI O'QITISHDA O'QITISHNING ZAMONAVIY SHAKL VA METODLARIDAN FOYDALANIB TA'LIM SAMARADORLIGIGA ERISHISH. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11), 33-36.

